



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 31 январь, № 21 (5441)

Сешанба

## БИЛИМЛИ, ЗАКОВАТЛИ, ЕТУК

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ёшларимизнинг баркамол вояга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланди. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилди.

Хозирги вақтда 9 минг 400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи Ziyonet электрон ахборот тармоғига уланганини қайд этиш лозим.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

### Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

Хар бир юртининг бугуни ва келажаги том маънода мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривож топгани билан белгиланади. Зеро, Ватан тараққиёти, миллат истиқболи шу заминда вояга етаётган ўғил-қизлар камоли билан чамбарчас боғлиқ. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ юртимизда таълим тизимини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралиши замирида ҳам эртаими эгаларининг тақдирини ўйлаш орқали Ватанимизнинг тараққиётини кўриш мақсади мужассам.



Пойтахтимиздаги 144-мактабда илгор педагогик технологиялардан самарали фойдаланилмоқда.

### Рақамлар сўзлайди:

● 1991 — 2003 йилларда республикаимизнинг барча ҳудудларида 1 млн. 893 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари ҳамда 152,8 минг ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

● Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида эса 2004 — 2009 йилларда республика бўйича 3,0 млн. ўқувчи ўринли 8501 мактабда қурилиш-тиклаш ишлари бажарилди. Жумладан, 351 (116580 ўқувчи ўринли) янги мактаб биноси қурилди, 2470 та (851294 ўқувчи ўринли) мактаб капитал реконструкция қилинди, 3608 та (2044942 ўқувчи ўринли) мактаб капитал, 2072 таси эса жорий таъмирлашдан чиқарилди. Ушбу мақсадларга жами 1,4 трлн. сўм сарфланди.

● Дастур доирасида қайта тиклаш ишлари амалга оширилган мактабларнинг 1326 таси (16%) шаҳарларда, 6887 таси (81%) қишлоқ ҳудудларида, 288 таси эса (3%) бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу билан шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий-техник базаси орасидаги тафовут барҳам топди.

● Шу йиллар давомида 1607 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланди. 1163 та мактаб газлаштирилди, 1607 та мактабга телефон алоқаси ўрнатилди.

## Эътибор ва ғамхўрлик намунаси

Равшан АБДУЛЛАЕВ, Жиззах вилояти, Янгиобод туманидаги 3-мактабнинг география фани ўқитувчиси, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2011" кўрик-танлови ғолиби:

— Мамлакатимизда Президент Ислон Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури туфайли мактабларимиздаги шарт-шароит тубдан яхшиланди. Таълим сифатининг ошиши, тарбия беришнинг ўзига хос усуллари кенг фойдаланилган ҳам соҳадаги ишчи ислохотлар самарасидир, албатта. Эртани кун эгалари, деб фарзандларимизга сунагим. Шунинг учун ҳам уларнинг тарбиясида мактаб давридан оқ масъулият билан қараш мамлакатимизда устувор вазифага айланди. Муҳими, эзгуликни кўзда тутиб бундай ислохотлар, оммалашаётган тажрибалар ўз самарасини бермоқда.

Соҳада туб бурилишлар ясаган изчил ислохотларнинг самарасини Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга жорий этилган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида қисқа муддатда амалга оширилган кенг қўламли ишлар мисолида ҳам кўриш

мумкин. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, барча умумтаълим мактаблари қайтадан ўрганиб чиқилди. Ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра, республика бўйича мактабларнинг 684 таси авария ҳолатига келиб қолганлиги, уларнинг ўрнида янги бинолар қуриш, 2277 та мактаб капитал

реструкцияга, 4399 та мактаб капитал таъмирлашга, 2197 та мактаб эса жорий таъмирлашга муҳтож эканлиги аниқланди.

Мана шу аҳволда таълимнинг сифат ва самардорлигини таъминлашнинг нақадар долзарб заруратга айланганлигини ҳисобга олиб, Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги "2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Дастур-

да мактаб таълимини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши белгилаб берилди.

...Ўқувчилар эндиликда замонавий, ҳар жиҳатдан қулай жиҳозлардан фойдаланиш бахтига мушарраф бўлмоқдалар. Олиб борилаётган ислохотлар туфайли нафақат мактаб бинолари, балки ундаги жиҳозлар ҳам янгиланмоқда. Ўқув масканларини пишиқ-пухта, замонавий мебеллар билан жиҳозлаш учун катта маблағ кераклигини ҳамма биледи. Аммо билган бошқа, мазкур ишга бош бўлиш бошқа. Бу ҳусуда ўйласак, мактабларимизни ривожлантиришга қаратилган ғамхўрлик мисли кўрилмаган эътибор самараси эканлигини англаш қийин эмас.

4-бетга қаранг.

### Эътироф

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йил асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси юзасидан турли давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари мамлакатимизнинг хориждаги дипломатия ваколатхоналарига ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

### Хорижлик экспертлар:

## «Ўзбекистон 2012 йилга ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муносиб кўрсаткичлари билан кирди»

Хусусан, "Wider EU" компанияси (Бельгия) директори, таҳлилчи Жан-Франкуиз Ривалайннинг фикрича, Президент маърузасида баён этилган далил ва рақамлар жонхон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамаздан, республиканинг изчил ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Унинг сўзларига кўра, мамлакатда ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" туфайли ана шундай юксак натижаларга эришилган. Ўзбекистон иқтисодиётида эришилган муваффақиятларни нуфузли халқаро молия инсти-

тутлари, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки томонидан берилган баҳолар ҳам тасдиқлайди. Экспертнинг эътирофи-ча, Ўзбекистон ҳукумати 2011 йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этди. Унинг фикрича, меҳнат бозори учун тадбиркорлик фаолияти билан рисоладагидек шугулланишга қодир, замонавий фикрлайдиган кишиларнинг янги тоифасини тайёрлаш ва ўқитиш — бугунги кунда ёш мустақил республикалар ол-

дида турган асосий вазифалардан биридир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, айнан ана шундай мутахассислар замонавий бозор иқтисодиётига ўтиш ва уни халқаро бозор шарт-шароитларига мослаштиришнинг энг самарали ҳаракатлантирувчи қуларидан бири ҳисобланади. "Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон раҳбариятининг юқори малакали кадрлар, жумладан, тадбиркорлик соҳаси мутахассисларини тайёрлашга қаратилган саясий ҳаракатлари катта эътиборга сазовордир", деди Жан-Франкуиз Ривалайн.

### Европа Халқаро муносабатлар Институтининг президенти Ирнерио Семинаторе қайд этганидек, бугун Ўзбекистон мамлакатини сановатлаштиришга йўналтирилган фаол чора-тадбирлар кўрмоқда. Республика ҳукумати қатор индустриал-саноат лойиҳалари рўёбга чиқарилишини тақлиф қилмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ жойлардаги яшаш шарт-шароитларини максимал даражада шаҳар андозаларига яқинлаштириш бўйича катта ва сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Бу мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг пухта ўйланган ва прагматик стратегияси кўрсаткичи ҳисобланадики, Президент Ислон Каримовнинг маърузаси бунинг яққол далолатидир.

"Мамлакат катта табиий ва инсон ресурсларига эга. Иқтисодиётнинг сановатлашуви, хориж инвестицияси ҳажмининг ўсиши, чет эл компаниялари учун Ўзбекистонда яратилган кенг имкониятлар — буларнинг барчаси иқтисодий барқарорлик самаралари ҳисобланадики, келажақда ҳам улар ўзининг ижобий

натижаларини намойён этаверади", дея таъкидлади эксперт.

Шунингдек, И. Семинаторе Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Ўзбекистон ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштириш учун катта салоҳиятга эга эканлигини билдириди. "Мазкур салоҳият, ўз навбатида, Ўзбекистон иқтисодиётига янгидан-янги сармояларни жалб қилишга, республиканинг узоқ муддатли иқтисодий тараққиётга қўмақлашди", деди у, жумладан.

И. Семинаторенинг фикрича, 2012 йилнинг Ўзбекистонда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши давлатнинг оила, жамият ижтимоий тараққиёти масалаларига катта эътибор қаратаётганидан далолатдир. 2011 йили республикада иш ҳақи миқдори 20 фоиздан зиёдга, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг 26 фоиздан зиёдга ошгани, шунингдек, 2012 йилда давлат бюджети умумий ҳаражатларининг 60 фоиздан кўпроги ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани бунинг яна бир бор тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

## ЮКСАК ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Президентимизнинг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси жамоасига йўллаган табригини барчамиз катта ҳаяжон билан тингладик.

### Дил сўзи

Унда ўтган йигирма йил давомида мамлакатимиз фуқаро авиациясини тиклаш ва замонавий асосда

шакллантириш борасида қилинган ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, эришилган муваффақият-

ларга юксак баҳо берилди. Бундай эътироф қалбимизга чексиз гурур ва ифтихор ҳисларини бахш этди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Юртимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Андижон

2011 йил давомида Избоскан туманидаги корхоналар томонидан 9 миллион 672 минг АҚШ доллариллик маҳсулот хорижга сотилди.

### Янги қувватлар, қўшимча иш ўринлари

Бунда "Пойтуғ текс" қўшма корхонаси жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хозир бу ерда ишлаб чиқариш салоҳияти изчил ошириб борилаётган. Хусусан, техник янгиланишлар туфайли 100 га яқин қўшимча иш ўринлари яратилди. Ўтган йили "Пойтуғ текс"да 10 миллиард 990 миллион сўмлик калава ип тайёрланди, шундан 3 миллион 965 минг АҚШ доллариллик қисми чет эллик буюртмачиларга етказиб берилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Президент асари ўрганилмоқда

Бухоро давлат университетиде Президентимиз Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини ўрганиш, асар мазмун-моҳиятини ёшлар онгу шуурига сингдириш масалаларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

### Бухоро

Унда Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар иштирок этди.

Тадбирда қомусий аҳамиятга эга мазкур асар мустақиллигимиз тарихи тўғрисидаги энг ишончли, ноёб ман-

ба эканлиги алоҳида таъкидланди. У истиқлолга эришиш йўлида ҳар бир жабҳада амалга оширилган кенг қўламли ишлар аҳамиятини теран англаш имкониятини беради. Ёшларни шу тинч ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш, уни кадрлашга даъват этади. Бинобарин, китобнинг ёш авлод қалбида юртпарварлик, фидоийлик, она-Ватанга меҳр, садоқат

туйғуларини шакллантиришдаги аҳамияти катта.

Семинарда сўз олганлар мазкур китоб асосида назарий ҳамда амалий машғулотлар ўтказиш, талабаларнинг истиқлол тарихи ҳақидаги билим ва тушунчаларини янада бойитиш масалалари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритдилар.

Тадбирда, шунингдек, минтақада истиқлол шарофати билан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, ёшлар учун яратилаётган қулайликлар алоҳида қайд этилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЧАКАНА САВДО АЙЛАНМАСИ КЎПАЙМОҚДА

2011 йилда мамлакатимизда чакана савдо айланмаси аввалги йилдагига нисбатан

16,4 фоизга ўсди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, унинг инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида юзлаб янги чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ташкил этилгани, уларнинг аксарияти қишлоқ жойларда ишга туширилгани тизимда ана шундай юқори кўрсаткичга эришиш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ





# ТОМОРҚА — ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

Бунга эришишда "Агробанк" томонидан ажратилаётган кредитлар муҳим омил бўлмоқда.

Гап шундаки, мазкур ҳужжатда қишлоқ жойларда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш сингари устувор вазифалар белгилаб берилган. Бундай эътибор ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ҳам оила-сига, ҳам маҳалласига наф келтираётган юртдошларимиз сафи то-

жон Шодмонов. — Биз ҳар йили бодринг ва помидор ҳосилини йиғиштириб олганимиздан сўнг такрорий экин сифатида турп ва шолғом ўстирамиз. Бунинг учун зарур бўлган 850 минг сўм маблағ "Агробанк"нинг Олтиариқ филиалидан имтиёзли тарзда берилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда кўчат экиб, боғ яратаётган, томорқасидан

кўчатларни сотиб олишлари учун имтиёзли микрокредитлар тақдим этилган. Банкнинг жойлардаги тузилмалари озик-овқат маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида Юртбошимиз томонидан берилган кўрсатмалар юзасидан кредитлаш ишларини йўлга қўймоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда республикамиз туманларидан 508 та уруғ ва кўчат етказиб

рид қилиш ниятида. Пировардида эса қарзни қоплаш билан бирга, бир неча баробар кўп фойда олишни мўлжалламоқда. Поп туманида истиқомат қилувчи Собир Раимжонов ҳам кўп йиллардан буён деҳқончилик билан шуғулланиб келади. — "Агробанк"нинг молиявий кўмагида 30 соти томорқамизга пивёз эканмиз, — дейди у. — Бу ердан 10 тонна ҳосил етиштириш, яъни 5 миллион сўм даромад олиш мақсадидамыз. Энг муҳими, банк билан ҳамкор-



бора кенгайиб бораётгани қувончлидир. — Қишлоқда турмуш даражаси ва деҳқончилик маданиятини ошириш, ерлардан унумли фойдаланиш тўғрисида гап кетганда, аввало, Юртбошимизнинг "Деҳқон тўқ бўлса, мамлакат бой бўлади", деган сўзлари ёдга тушади, — дейди Олтиариқ туманидаги "Олтиариқ" қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Қосим-

оқилона фойдаланиб, ундан катта даромад кўраётган оилалар кўп. Маҳаллалар ва қишлоқ фуқаролик йиғинларида аҳолининг ўз томорқаларига уруғ қадаб, кўчатлар экишлари учун кўплаб сабазлов уруғлари ҳамда мевали дарахт кўчатлари етказиб берилмоқда. Ҳаёт билан ҳаммадан бўлиб фаолият юритаётган "Агробанк" зарур ҳолларда аҳолига мазкур уруғларни ҳамда

берувчи кўчма машина ҳамда кўплаб турғун шохобчалар ташкил этилган. Мисол учун, Нарпай туманидаги Беклар қишлоғида яшовчи Усмон Номозов банкнинг Оқтош филиали томонидан ажратилган 1 миллион сўм кредитга ана шу шохобчалардан ўз томорқасига экиш учун 1,1 килограмм сабзавот, 120 килограмм картошка уруғи ва 15 туп мевали дарахт кўчати ха-

Д. МУРОДОВ.

## ДИҚҚАТ, БАНК ХИЗМАТЛАРИ!



### «МИКРОКРЕДИТБАНК»

очик акциядорлик тижорат банки

2012 йил — Мустақкам оила йили муносабати билан юртдошларимизга, миждозларга

### «ОИЛА ФАРОВОНИЛИГИ УЧУН»

номли қуйидаги хизматлар мажмуасини тақдим этади:

- келажак учун сармоялар: фарзандларимизнинг олий ўқув юртида ўқишлари, компьютер саводхонлиги ва чет тилларини ўрганишлари учун молиявий шарт-шароитлар;
- томорқа битирувчиларига бошланғич сармоялар;
- томорқа ободончилиги учун микрокредитлар;
- оилавий хунармандчилик учун сармоялар;
- тўй маросимини ўтказиш учун банк билан ҳамкорлик;
- сиҳатгоҳларда дам олиш ва даволанишни ташкил этиши.

Шунингдек, янги ташкил этилган юқори фоизли

### «ОИЛА ҚУВОНЧИ»

омонати ҳар бир хонадон учун имконият, имтиёз ва қулайлик ҳисобланади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 150-56-27, 150-56-46.

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

### «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

I. Аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2011 йил 23 сентябрдаги 26/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 21-уй, 136-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 88,40 кв.м. бўлган уй-жой кўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 146 000 000 сўм.**  
 II. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича, Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2011 йил 30 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жарарик мавзеси, 39-уй, 81-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 97,17 кв.м. бўлган, 4 та яшаш хонасидан иборат уй-жой кўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.**  
 III. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2011 йил 18 мартдаги 1-803/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Изза-2 мавзеси, 18-19-уй манзилида жойлашган, «Глобус Интер» ХКга тегишли, умумий ер майдони 800 кв.м. бўлган, 4 та

яшаш хонаси, 2 та равон, 3 та дахлиз, ҳоҷатхона, 3 та ҳаммом, 2 та ертўла, омборхона, болохона, қозонхонадан иборат уй кўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.**  
**Аукцион савдолари 2012 йил 2 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**  
 Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 29 февраль куни соат 18.00.  
 Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.  
 Лицензия: ЯР-0001.  
 Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52.

### «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

I. Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 16 августдаги 11-1025/12307-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Брикентий кўрғони манзилида жойлашган, «Ринат» кичик хусусий корхонасига тегишли, фойдаланиш майдони 4531,61 кв.м., 2275 кв.м. ер майдонида жойлашган ишлаб чиқариш биноси, трансформатор биноси, қоровулхона, хизмат биноси, насосхона ва махсус бинолардан иборат кўчмас мулклар кўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 304 270 000 сўм.**  
 II. Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 15 июлдаги 11-1026/16370-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, «Барданқўл» ҚФЙ, Бирик кўчасида жойлашган, умумий майдони 16643,61 кв.м. бўлган участка, 2 қаватли маъмурий бино, қозонхона, йўлак, ҳоҷатхона, собон, бостирма, омборхона, гараж, тарозихона, қоровулхонадан иборат ўқув-машқ маркази кўчмас мулклар кўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 1 393 635 000 сўм.**

**Аукцион савдолари 2012 йил 5 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**  
 Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 1 март куни соат 18.00.  
 Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.  
 Лицензия: ЯР-0001.  
 Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52.

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

**ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН КУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ХАРИДОРЛАРГА ТАҚДИМ ЭТАДИ (НАРХЛАР ҚҚС БИЛАН ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНГАН)**

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР**, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ** — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

«Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси қошида ташкил этилган, мелиорация ва қишлоқ хўжалиги техникаларига сервис хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган

### «МЕЛИОМАШЛИЗИНГ СЕРВИС»

**ШЎҒБА КОРХОНАСИ**

хорижда ишлаб чиқарилган гидравлик экскаватор ва бульдозерларни бошқариш, шунингдек, уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича олий маълумотли, 3 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга муҳандис-техник, механик-таъмирловчи ва бошқа техник мутахассисларни

**ишга тақлиф қилади.**

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 239-46-24, 239-46-25.

Электрон почта манзили: info\_job@uzmml.uz  
Компания сайти: uzmmil.uz

«Ўзбекино» Миллий агентлиги жамоаси Фаргона вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

**Акмал Икромович ХОЛБЕКОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санаторий-курортлар бошқармаси жамоаси молия бўлими мудири — бош ҳисобчи

**Шаҳноза РАҲМАТУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси уринбосари

**Фозилжон Икромович РЎЗИБЕКОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгросаноатлоийҳа» МЧЖ жамоаси хўжалик бўлими ходими

**Хайтмурот Тўхтанович ФАЙЗУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг ректорати ва касаба уюшма кўмитаси Эконометрика кафедраси катта ўқитувчиси

**Дилфуза Ҳамидуллаевна РАҲИМБАБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# БИЛИМИ, ЗАКОВАТЛИ, ЕТУК

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ёшларимизнинг баркамол вояга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Энг улук иморат

Холмурод ЭРГАШЕВ,  
Яккабоғ тумани, дурадгор:

— Мен саксон ёшдаман. Қарши — Яккабоғ оралигида қатнаб, савод чиқарганман. Ҳафтада бир марта уйга келардим. Ҳаста онам, укаларим бор эди. Ҳам сабоқ олардим, ҳам одамларнинг хизмати-ни қилиб, уч-тўрт сўм орттириб рўзгор тебратардим. Бугун энди бу гапларни айтсам, набираларим эртақ зўшгаётгандек ажабланишарди. Мен эса янги қурилган замонавий мактаб биноларига қараб туриб, тушимми ёки ўнгимми, дейман. Бизнинг болаларимиздаги шароит билан бугунги авлод вакиллари таълим-тарбия олаётган мактаб коллежларни таққослаб, мўъжиза-ку, булар, дейман ўзимга ўзим. Энди бизнинг ёшларимиз. Аммо биз тенгларнинг зиммасида катта вазифа бор. У ҳам бўлса, фарзандларимизга, набираларимизга бундай муҳташам мактаб биноларини асраб-авайлашни ўқитишимиз шарт. Китобни қадрлаш, чин дилдан, меҳр билан илм олишга ундаш, охири-оқибат қомил инсон бўлиб, эл-юрт қорига ярашни қўлоқларига қўйиш биз, кексалар учун ҳам қарз, ҳам фарздор...

Бундан ташқари, ўрнатилган меъёрлар асосида капитал таъмирлашга ҳар 10-12 йилда ажратилиши лозим бўлган маблағлар вақтида йўналтирилмаслиги оқибатида лойиҳа асосида қурилган мактаблар ҳам нураб бўлган эди. Янги мактабларни қуриш эса йиллар давомида пайсалга солиб келинган. Масалан, ўтган асрнинг 80-йиллари давомида бор-йўғи 6372 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 18 та мактаб қурилган.

Шунингдек, 4248 та мактаб газлаштирилмаган, 4253 таси оддий телефон алоқаси тизимига уланмаган, 3581 мактаб

тоза ичимлик суви билан таъминланмаганлиги ҳам яқин ўтмишимизнинг хунук манзараларидан биридир. Буларнинг барчаси таълим-тарбия жараёни меъёрида ташкиллаштиришга кескин тўққунлик қилгани, унинг сифат ва самарадорлиги ўта салбий таъсир кўрсатгани аниқ ҳақиқат.

Мана шундай оғир вазиятда таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга бел боғлаш катта жасорат, бемисл шижоат ва ақл-идрокни талаб этарди. Мамлакатимизни энди оёққа турғизаётган Президентимизнинг бу борадаги сиёсати ўта оқилона, узоқни кўра олиш хусусиятига эга эканлиги билан юксак аҳамиятга моликдир. Бу борадаги ислохотлар натижасида босқичма-босқич тарзда фақат мактаблар биносини янгилаш эмас, шу билан бирга, ўқитувчи-мураббийлар меҳнатини юқори баҳолаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Юртбошимиз ташаббуси билан 1 октябр ўқувчи-мураббийлар куни деб эълон қилиниши бунинг яна бир ёрқин ифодасидир.



Билимга чанқоқ ёшлар.

## Эзгу мақсадлар ифодаси

Анор МАХМУДОВА,  
Гурлан туманидаги 5-умумтаълим  
мактаби директори,  
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Истиқлол туфайли фарзандларимизга яратиб берилган шарт-шароит, ўқитувчиларга кўрсатилаётган эҳтиромни кўриб, ким қувонмайди, ким хурсанд бўлмайди?! Мен бир фуқаро сифатида шу заминда истиқомат қилаётганимдан мамнун бўлсам, қадри балоид ўқитувчи сифатида истиқлол фарзандларига сабоқ бераётганимдан беҳад фахрланаман. Бугун биз, ўқитувчилар учун

барча қулайликлар яратилган. Замонавий техник ускуналар, шинам мебеллар ишимизни енгиллаштириб, дарс сифати яхшилашига хизмат қилаяпти. Бу эса ўқувчиларимизнинг дунёқараш, фикрлаш тарзига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Гарчи Давлат дастурида қамраб олинган вазифалар адо этилган бўлса-да, мамлакатимизда умумтаълим мактаблари қурилиши ва обод

қилиниши билан боғлиқ ишлар изчил давом эттирилмоқда.

2004 — 2011 йилларда 4 млн. 275,2 минг ўқувчи ўринли 8832 та мактабда қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу мақсадларга жами 1 трлн. 538,0 млрд. сўм сарфланди.

Бу эзгу ишларнинг барчаси Юртбошимизнинг “Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар — менинг болаларим, менинг фарзандларим!” деган эзгу сўзлари ҳаётда яна бир бор ўз тасдиғини топганига амалий далил бўли олади.

Мамаюсуф ХЎЖАМБЕРДИЕВ,  
Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 81-умумтаълим мактабининг  
математика фани ўқитувчиси, “Меҳнат шўҳрати” ордени соҳиби:

— Узоқ йиллардан бери шу соҳада ишламан. Лекин мактаб биноси бу қадар чиройли бўлишини ҳаёлимга ҳам келтирмаганман. Қаерга борсам, янги мактабларнинг жиҳозланишини томоша қиламан. Улардаги шарт-шароит, спорт жиҳозларини кўриб ҳавасим келади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан асос солинган тараққиётнинг “ўзбек модели” бугунги кунда бутун дунёда кенг эътироф этилаётгани бежиз эмас. Чунки бизда фарзандлар қамали юрт истиқболидан айро ҳолда тасаввур қилинмайди...

## Келажак сари дадил одимлар

Мамлакатимизда таълимнинг узвийлиги ва узлуksизлигини таъминлаш юзасидан олиб борилган улкан ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар минтақа ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган нуфузли фан олимпиадалари, кўрик-танловларда энг юқори натижаларга эришаётгани “Ўзбекистон — келажак буюк давлат” деган эзгу ғоя ҳаётда ўзининг ёрқин рўёбини топаётганидан далолатдир.

Биргина мисол. 1995 йилгача республикамиз мактаб ўқувчилари бирорта ҳам халқаро фан олимпиадасида иштирок этмаган эдилар. 1995 — 2011 йиллар давомида эса ўқувчиларимиз химия, биология, физика, математика, информатика ва хорижий тил фанларидан нуфузли танловларда қатнашиб, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмагани ва бўлмаслигини дунёга намоён қилишга киришибди. Иқтидорли болаларимиз мазкур олимпиадаларда жами 244 та медал, шундан 20 та олтин, 49 та кумуш, 175 та бронза медалини қўлга киритди. Айниқса, Тошкент шаҳрида 2008 йил май ойида ўтказилган химия фани бўйича Менделеев номидаги 42-Халқаро олимпиадада иштирок этган 15 нафар ўзбекистонлик ёшлар энг юқори натижа кўрсатиб, 10 та медал — биттадан олтин ва кумуш ҳамда 8 та бронза медалини қўлга киритгани бутун юртимиз ахлига чексиз қувонч бағишлади.

Шунингдек, 2009 йил июль ойида Германиянинг Бремен шаҳрида математика фанидан ўтказилган 50-Халқаро олимпиадада ўқувчиларимиз битта олтин, 2 та бронза медали билан тақдирланди. 2010 йилнинг июль ойида Астана шаҳрида математика фанидан ўтказилган 51-Халқаро олимпиадада ҳам 96 та мамлакатдан йиғилган 517 нафар ўқувчи қаторида иштирок этган 6 нафар ўғил-қизимиз 4 та кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритишди.

Иқтидорли болалар ўз билими, кучи, истеъдоди ва ақлий салоҳияти билан дунёга дадил чиқаётган бўлса, дунё ҳам уларни, улар орқали эса мустақил ва озод Ўзбекистонимизни янгидан кашф этмоқда. Халқимизнинг Юртбошимиз раҳбарлигида энг эзгу орзу — баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бундан кейин ҳам ўзининг буюк натижаларини бериши, шубҳасиздир.



Замонавий таълим олиш учун барча шарт-шароит мавжуд.

Мамаюсуф ХЎЖАМБЕРДИЕВ,  
Хасан ПАЙДОЕВ (суратлар)  
«Халқ сўзи» мухбирлари.

## 2012 йил — Мустақкам оила йили

Оила мавқеини ошириш, унинг манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бинобарин, инсон ҳаётининг асоси — оиладир.

## ОБОД МАНЗИЛЛАР ФАЙЗИ

Одамзодга хос олижаноб фазилатлар ана шу муҳида илдириштирилади. Бунинг бир мисоли сифатида 2011 йили 7 минг 400 та оила ҳар томонлама қулай уй-жойга эга бўлганини эслаш қийин. Ҳатто, мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида яшаётган кишилар ҳам ўтган йили шаҳардагидан қолшмай-диган замонавий уй-жойларга кўчиб киргани қувонарли, албатта. Бу диёримиздаги бунёдкорлик кўлами нақадар кенг эканлигини кўрсатади.

— Оиламиз аъзолари учун 2011 йил қувончли воқеаларга бой бўлди, — дейди Қизилқум туманидаги 42-мактаб ўқитувчиси Нафиса Суянова. — Йил бошида “Етимқул” мавзе-

сида қурилган 4 хонали уй учун бошланғич бадални тўлаган эдик. Кўп ўймақ талабимизга мос, ғоят шинам хонадон қилини қўлимизга тўққазиди. Ундаги шарт-шароитлар ҳавас қилишга арзийди. Икки нафар фарзандимиз энди шу хонадонда қамол топади. Мен шундан хурсандман. Уй тўйига келганлар ошхона, болалар хонаси, меҳмонхонанинг кўркамлигини кўриб, келгусида шундай тураржойга кўчиб ўтишни ният қилдилар.

Дарҳақиқат, бундай кўркам ва замонавий уйларда яшаш кўпчиликнинг дилдаги орзуси. Нафисанинг айтишича, янги уйнинг томорқаси ҳам рўзгор учун бир имконият. Эр-хотин бу ерга мевали

дан чиқади. Хонадонга баракка кирди. — Бизнинг ҳам кўп йиллик орзуларимиз амалга ошди, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Шўҳрат Кўзиёв. — Ўтган йили 4 хонали уйлардан бирига кўчиб ўтдик. Фарзандларимизнинг севинганини кўрсангиз эди... Ота-она учун улар қувончи кўришдан ҳам ортик бахт борми?!

Президентимиз ташаббуси билан бошланган бу хайрли тадбир яна қўллаб шундай оилалар қувончига қувонч қўшди. Қишлоқларда обод бўлди. Бу йил мамлакатимизда яна 8 минг 510 та оила янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланаётгани эътиборга лойиқ.

— Янги уйлар қурилган мавзелада зарур инфраструктура иншоотлари ҳам бунёд этилмоқда, — дейди Қизилқум тумани ҳокими ўринбосари Бозор Холжазаров. — Айни кунда Гулзор, Бектепа манзилларида барпо этилган янги тураржойлар кўчаларига шағал ва асфальт ётқизиш, маиший хизмат нуқталари қуриш ишлари жадал олиб борилаётди.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда “Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун” қаратилгани, Президентимиз томонидан 2012 йилга “Мустақкам оила йили”, дея ном берилиши замирида ҳам ана шу эзгу ниятларга бўлган юксак муносабат мужассам.

Шундай экан, оилалар фаровонлигига бўлган эътибор бундан буён ҳам муҳим аҳамият касб этаверади. Унинг азиз ва муқаррамлигига муносиб тарзда хайрли ишлар ўз рўёбини топаверади.

Нормурод ТЕМИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Бунёдкорлик

Қарши шаҳрида “Осуда” меҳмонхона мажмуаси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

## Сайёҳларга қулайлик

“Насаф оқшоми” масъулияти чекланган жамиятига қарашли мазкур қўшқаватли иншоотни барпо этиш учун 200 миллион сўмдан ортик маблағ сарфланди.

Меҳмонхонада нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳларга ҳам юқори сифатли хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

Ўтган йили вилоятда 4 та ана шундай мажмуа иш бошлаши билан ҳудуддаги меҳмонхоналар сони 21 тага етди.

А. МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ

тежамкорлик ва самарадорлик омили

Бугун бирор бир соҳанинг ривожини электр энергиясиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис айни пайтда дунёнинг қўллаб мамлакатларида ундан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишга, шунингдек, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига мўқобил энергия манбаларини изчил татиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Тажриба

Хусусан, Европанинг аксарият давлатларида 2020 йилгача электр энергиясига бўлган умумий эҳтиёжини қўши, шамол ва сувдан олинадиган энергия ҳисобига қоплаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқибли, уларнинг ижросини таъминлашга киришилган. Айниқса, бу борада, Германия етакчилик қилаётгани кўпчиликка маълум. Ушбу мамлакатда сайёраимизда фойдаланилаётган шундай энергиянинг қарийб 36,3 фоизи ишлаб чиқарилапти. Қолаверса, Испания, АҚШ, Дания, Хиндистон, Голландия, Италия, Япония, Буюк Британия ва Хитой ҳам бу борада маълум натижаларга эришмоқда.

Юртимизда ҳам мазкур йўналишда қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга татиқ этилмоқда. Илмий тадқиқот институтларида яратилаётган замонавий ускуналар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Ўлкамизда йилнинг асосий қисми қуёшли бўлганлиги боис бу борада муайян муваффақиятларга эришилди. Қуёш нурлари ҳисобига ишлайдиган иситиш қозонларининг яратилганлиги табиий газ сарфини 60 фоизгача камайтириш имконини бераётгани бунинг исботидир.

Бу борада Навоий вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг молиявий кўмаги билан олис Томди туманидаги иккита

мактабга қуёш фотоэлектр станцияси ўрнатилган. Бу орқали таълим муассасасида ўқувчиларнинг пухта билим олиши, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиши учун қулайлик яратилди. Яқинда бундай тажриба Нуротда ҳам жорий этилиб, туман марказий шифохонасидаги тиббиёт жиҳозлари, асосан, шамол генераторидан олинаётган энергия ҳисобига ишлайдиган бўлди.

— Муассасамизда мазкур тизимнинг жорий этилиши шовиштин тиббий ёрдам ҳамда жонлантириш бўлимларини электр қуввати билан узлуksиз таъминлаш имконини бериб, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Обид Ерматов. — Шамолсиз ёки ҳаво булутли кунларда ҳам мазкур дастгоҳлар 220 Вт электр энергиясидан қувват олиши, айниқса, эътиборли.

Албатта, бу каби янгилıklar аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишда, шунингдек, бошқа жабҳаларда ҳам қўл келмоқда.

Айни пайтда вилоятнинг Томди, Қизилтепа, Нурота туманларидаги 20 дан ортик ташкилот ва муассасалар мазкур тизим асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳали бошлашни. Муҳими, ҳудудда мўқобил энергиянинг бу каби қулай манбаларидан фойдаланиш учун имкониятлар етарли.

А. ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ОБ-ҲАВО

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида

Бухоро ва Навоий вилоятларида

Тошкент, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида

Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида

Тошкент шаҳрида

(31 январь)

-5 -10 -3 -8

-1 -6 0 +5

-1 -6 0 +5

0 -5 +2 +7

-1 -6 0 +5

-3 -5 +2 +4

## Халқ сўзи

### Народное слово

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 104 631 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусахҳиҳ — С. Исламов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.20 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5